

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 862-ҳадис

862/1802 – عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا قَدِمَ مِنْ سَفَرٍ، فَأَبْصَرَ دَرَجَاتِ الْمَدِينَةِ، أَوْضَعَ نَاقَتَهُ، وَإِنْ كَانَتْ دَابَّةً حَرَكَهَا. وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ: مِنْ حُبِّهَا.

862.1802. Анас розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам сафардан қайтганларида Мадинанинг баланд йўлларини кўриб, туяларини шоштирар эдилар. Агар бошқа улов бўлса, уни ҳам тезлатар эдилар».

Абу Абдуллоҳ айтади: «Ҳорис ибн Умайр Ҳумайддан ривоят қилиб, «Унга (Мадинага) бўлган муҳаббатларидан тезлатар эдилар»ни қўшимча қилган».

Анас розияллоху анхудан қилинган бошқа бир ривоятда: «Деворларини», дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI